

ИНСОН

Ушбу сонда:

- 2 САМО ЛОЧИНЛАРИ
- 3 БАТАНПАРВАРЛИК ТҮЙҒУСИ
соғлом турмуш тарзидан бошланади
- 4 ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ
иқтидорларни кашф этди

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Касаба уюшма кўмитасига Бухоро шаҳри зиёратидан қайтган бир гуруҳ пенсионерлар кириб келишиди.
— **Кувончимизнинг чеки йўқ, — дейишди улар. — Меҳнат қилиб, самарасини кўрапмиз, эсдан чиқармабсизлар, раҳмат. Дарҳақиқат, уларнинг кувонганича бор. Сабҳат «Ўзбекистон ҳаво йўллари» орқали амалга оширилди. Пенсионерлар тўрт юлдузли муқашам «Бухоро палас» меҳмонхонасига жойлаштириди. Барча харажатларни касаба уюшма кўмитаси қоплади.**

ит яратиш ҳам муҳим масалалардан. Оила қураётган ёшлар учун корхона ва касаба уюшма ҳисобидан 5020,4 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, уларни касб-корга йўналтириш ва олий ўқув юрларида ўқитишга 31490,8 минг сўм, кам даромадли оила-

миқёсидаги санаторийларда 44 нафар киши дам олиб, соғлиқларини тиклашди.
Корхона ва касаба уюшмасининг ўзаро ҳамкорлиги ижтимоий масалаларни янада жонлантириш имконини берапти. Жорий йилдан ҳиссасдорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси ҳисобига даромаддан 2 фоиз маблағ ўтказишга қарор қилди. Бошқарув кенгашининг бундай қароридан сўнг бошқа соҳалар қаторида маданий-маърифий, спорт тadbирларига ҳам эътибор кучайди.

Жамоа шартномасининг ижроси мунтазам равишда касаба уюшма кўмитасининг назоратига олинган. Шу асосда ижтимоий масалалар бекумуст амалга оширилиб келинмоқда. Ишловчилар ўртасида меҳнат мусобақалари ташкил этилган. Утган йил якуни бўйича 14 киши ишлаб чиқаришда эришган алоҳида ютуқлари учун «Оҳангароншифер» ҳиссасдорлик жамияти ифтихори кўракнишонига сазовор бўлди ва энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда мукофотланди. Бу йил ижтимоий кафолатлар тўлови бўйича ижтимоий ҳимояга 1 миллиард 480 минг сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Ислохотлар жараёнида касаба уюшмаларининг фаолиги ошаётгани, ўзаро келишувларда ишловчи манфаати устувор эканлиги ўз самарасини берапти. Ишчининг бажараётган юмушидан кўнгли тўқ. Маошини вақтида олапти. Дам олиш ва бошқа масалалар, шартномада келишилганидек, тўла-тўқис бажарилапти. Энг муҳими, ишловчи бу ташкилотга зарурат уюшмасидан эмас, ҳамкори, маслакдоши ва ҳақ-хуқуқини ҳимояловчи сифатида қарайди.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
«Оҳангароншифер»
ҳиссасдорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси

ҲАММАСИ ОДАМЛАР УЧУН

этибор қаратиляпти. Келишувларда белгилангани бўйича ўтган уч ойда 289900 минг сўм маблағ ажратилди. Корхона ҳисобида туровчи пенсионерлар учун қўшимча устама тўлов эса 17316,6 минг сўмини ташкил этди.

Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиб, етарли шаро-

ларни ижтимоий ҳимоялашга цех фондидан 18346,2 минг сўм, бошланғич ташкилотдан эса 2,8 миллион сўм ажратилди.

Ишловчилар саломатлигини муҳофазалаш масаласи бош вазифаларимиздан бири. Ҳиссасдорлик жамияти санаторий-профилакторийсида 7 нафар, республика

МУРУВВАТ

Марказий Осиё минтақасида ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг 33 фоизи Сирдарё иссиқлик электр станцияси ҳисобига тўғри келади. Корхонада салкам 2200 нафар касаба уюшма аъзолари меҳнат қилади.

Президентимизнинг Ёрданчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармониغا биноан станция қошида ёрданчи хўжалиқ ташкил этилган эди. Бугунга келиб чорва сони кўнайди.

Яқинда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан 4 нафар кам таъминланган хонадон соҳибларига станция маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси қарорига мувофиқ биттадан қорамол туҳфа қилинди. Эътиборли томони шундаки, тўртта оила соҳиблари — Эргашли Эшмуродов, Мирзаумар Умаров, Ваҳобжон Раҳимов ва Абду-салом Қосимовлар маъмур нурхонада кўп йиллардан буён ишлаб келишади.

Галина КРАСНОВА,
Сирдарё иссиқлик электр станцияси
касаба уюшма кўмитаси раиси

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

ЭЛ АРО ҚОЛГАЙ ЯХШИЛИК

Ишонч

Ҳисобот йиғилиши одатдагидан кўра чўзилди. Қизғин мунозараларда аччиқ-тизик гаплар ҳам айtilди. Касаба уюшмасининг жамоадаги нуфузи пасайиб кетганлиги тан олинди.

— Ҳаммаси касаба уюшмаси етакчисининг ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ, — деди йиғилиш якунида корхонанинг ўша вақтдаги раҳбари, шoir ва олим Рустам Очилов кўлидаги номзодлар рўйхатида ҳам боқмай. — Раисликка номзоди тавсия этилаётган киши тўғрисида, субути, ваъдасида собит турадиган, ҳодимлар манфаати учун жон куйдирадиган, талабчан инсон бўлиши керак. Ораларингизда шундай мутахассис борми?

Залда тўпаланган уч ордан ортиқ вақил бир-бирдан беҳабар ялт этди. Рўзикул акага қаради. Овозга қўйилди.

— Фикримиз яқдил экан, — деди корхона раҳбари манун холда. — Жамоа сўзи — қонун.

Шундай қилиб, «Қашқадарё электр тармоқлари» ҳиссасдорлик жамияти директорининг ўринбосари бўлиб ишлаётган Рўзикул Бердиев кўп минг кишилик корхона бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг раислигига бир овоздан сайланди.

— Уша воқеага роппароса 8 йил тўлди, — дея хотирлайди Рўзикул ака. — Касаба уюшмаси ишчи-хизматчилар, инженер-техник ҳодимлар манфаатларининг ҳимоясис эмасми, бир вақтлар ака-укадек бўлиб ишлаган раҳбарлар билан сан-манга бориб қолган давларимиз ҳам бўлди. Вақт ўтиши билан улар мени тўғри тушунишди.

Бир воқеани мисол келтирамиз. 2004 йил бошида Қарши ва Шаҳрисабз электр тармоқлари бириштирилди. Ҳисоб-китоб қилиб кўрилса, 168 та иш ўрни қисқарар экан. Ҳамнинг боши қотди. Ким ҳам ўзининг иссиқ ўрнини совутгисис келарди. Рўзикул ака атрофига фаолларни олиб, шаҳар ва туманлардаги филиаллар, ёрданчи корхона ва цехларни бирма-бир айла-ю, юздан зиёд резерв ишчи қирқасини аниқлади. Қирқасини, норозилик келиб чиқмади.

Бултур «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг буйруғи билан 120 та иш ўрни қисқартирилди. Директор Зафар Болтаевнинг тadbиркорлиги ва касабақўм раисининг саъй-ҳаракати билан қўшимча 10 ишчи ўрни тикланди. Қолганлар иззат-икром билан пенсияга кузатилди.

76 ёшли Александр Погаев бутун умрини энергетика тизимига бағишлаган. Корхонада 51 йилдан ортиқ ишлаган, 36 йилдан бери пенсияда, 74 ёшли Тилов Лапеев жамоанинг қирқ йиллик қадрдон. Бундай нурунийлар 383 нафар. Ҳар

бир пенсионерга 31660 сўмдан моддий ёрдэм кўрсатилиб, кўнглига йул топилади.

Жамоа шартномасида келишилган

Жамоа шартномасига асосан 50, 60, 70, 80, 90 ёшлари нишонланган кишилар 1 миллион сўмлик маблағ билан рағбатлантирилган бўлса, қирқ йилгача иш стажига эга ҳодимларга ўртача энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда моддий ёрдэм кўрсатилди.


Жамоа шартномасида касаба уюшма кўмитасининг ёзма розилигисиз иш беворчи ташаббуси билан ҳодимларнинг меҳнат шартномаларини бекор қилмаслик алоҳида кўрсатиб қўйилди. Ушбу бандининг ижроси қатъий назоратга олинди. Бир мисол. Деҳқонобод туман электр тармоқлари корхонаси назоратчиси Юнус Абдулазизовнинг оғби иш вақтида шикастланди. Жабрдийда кишлоқ врачлик пунктига бориб дастлабки тиббий ёрдэм олди. Аммо корхона раҳбарияти масалага юзакми ёндашиб, назоратчини Меҳнат Кодексининг 100-модда, 3-бандига мувофиқ ишдан озод қилиш учун касаба уюшмасининг розилигини сўради. Рўзикул ака масалага бефарқ қарамади. Юз километр йул босиб Деҳқонобода борди. Мутасаддилар билан гаплашди, ахволни обдон ўрганди. Натижада яхши бир ҳодимнинг ишдан бўшатилишига йул қўйилмади.

Китоб тумани тоғ кишлоғида яшовчи бобоси оламдан ўтган Қарши шаҳар электр тармоқлари корхонаси ҳодими Собир Мингбоев шошилинч равишда яшаш жойига жўнаб кетди. Бобосининг маъракаларида қатнашди. Корхона раҳбарияти ҳақиқий ахволни аниқлашдан ҳодимни ишдан бўшатиладиган бўлди. Касаба уюшмаси масалага адолатли ёндашиб, бунга розилик бермади.

Қанча-қанча одамга нафти тегди, унинг гамўрлиги билан қанча-қанча оила барқарор, ҳалол даромад манбаини сақлаб қолди. Мана шунинг ўзи касабақўм етакчиси учун мукофот эмасми?! — Танишларимнинг маслаҳати билан биринчи гуруҳ ногирони, ўғлим Салоҳиддинжонни Тошкентда даволаниши учун моддий қўллаб-қувватлашни сўраб Рўзикул акага борган эдим, — дейди Муборак туманининг Хитой кишлоғида яшовчи кўзи ожиз Ҳазрат Обилов. — Касабақўм раиси кўнглини кўтариб, шифохонага юз минг сўм пул ўтказиб берди. Мушкулни осон қилган бундай бағрикенг, меҳри дунё инсонлардан миннатдорман.

Касабақўм ташаббуси билан ушатирилган хайрия шанбалигида ишлаб топилаган 18 миллион сўм маблағнинг 12 миллион сўми вилоят «Маҳалла» хайрия жамағатисига ўтказилди. Қолгани кам даромадли оила-ларни қўллаб-қувватлашга сарфланди.

Ижтимоий ҳимоя йилида



ҳам саховатпешалик, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, муҳтожларга ёрдэм беришдек савобли ишлар давом эттириляпти. Шаҳрисабзнинг олис Филон ва Қўл кишлоқларида яшовчи 30 та кам таъминланган оилаининг ҳар бирига олинган фойда ҳисобидан 50 минг сўмдан ҳамми бир ярим миллион сўм маблағ ажратилди. Энергетикларнинг бундай ҳимматида Абдурахмон Ниёзов, Эшонқул Аҳмаджонов, Зокир Содиков, Даврон Бегимов, Нурали Ражабов, Мирза Хайдаров каби тоғликлар бениҳоя мамун.

Қарши шаҳридаги 20 та муҳтож оилага ҳар бири 250 минг сўмлик «Чайка» тикув машинаси олиб берилди. Узок йиллар корхонада ишлаб бағтсиз ҳодисадан зарар кўрган қаршилик Фулом Турсунов, миришкорлик Нодир Мирзаев, қосонлик Суннат Ёўлдошев, яқнабоғлик Усмон Исломов, қамашлик Муҳаммади Бекмуродовнинг оила аъзолари ҳам бундай ҳимнатдан баҳраманд бўлишди.

Қаршилик Зинаида Шинягина бир ўзи яшайди. Энергетиклар нафақадан онахонни ёлғизлатиб қўйишмади. Яқинда онахонга юз минг сўмлик кийим-кечак, озик-овқат махсулотлари элтиб берилди. Ёлғиз қарилардан Саида Каримова, Людмила Коваленко, Марям Воҳидоваларнинг ҳолидан хабар олганиб, кўнгли сўралди.

Ҳар кимнинг ўз ўрни бор

2810 нафар касаба уюшма аъзосини бирлаштирган йирик корхонада 14 цех ташкилотли фаолият кўрсатмоқда. Иш беворчи билан ижтимоий шерикчилик асосида тузилган жамоа шартномасида ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва ҳуқуқий ҳимоясис ўз ифодасини топан. 7 кишидан иборат кўмита аъзолари ва фаоллари иштирокчида меҳнатқашлар манфаатларини муҳофазалаш, ҳодимларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, иш шaroитларини яхшилаш, маданий дам олишини ташкил этиш соҳасида муайян ишлар амалга ошириляпти.

(Давоми 4-бетда)

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — БУЗИБ СОТИШ ЭМАС

Четга махсулот экспорт қилишнинг муҳим устувор йўналиши — бу ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиб, маҳаллий ҳом ашёни қайта ишлаш ҳамда тайёр махсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига иқтисодий таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга эришиш эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, Асака тумани нафақат Андижон вилоятида, балки республикамизда ҳам аҳолиси зич жойлашганлиги билан ахрალიб туради. Бундай шароитда мавжуд иш ўринларидан умумий фойдаланиш ва қўшимча ўринлар барпо этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳукуматимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракати билан ўтган йилларда туманга бир ҳатро қўшма корхоналар, кичик саноат ишлаб чиқариш тармоқлари олиб кирилди. Эндиликда асакалик ёшлар ишлаб чиқариётган махсулотлар дунёда рақобат бозорини яратмоқда.

Лекин нур бор жойда соя ҳам бўларкан. Айниқса, бу ўзини ўзи иқтисодий қоп-полмаётган корхона ва ташкилотларни хусусийлаштиришга қаратилган қарор ҳамда қонунлар ижросини таъминлашдаги ишларда яққол кўзга ташланди.

Масалан, аҳолига гўшт-сут ва парҳезоб парранда махсулотлари етказиб бериш соҳасида туман беш йил аввалги даврга нисбатан анча паст кўрсаткичда. Ваҳоланки, таҳлил ва кузатишлар аргосаноат мажмуи тармоғида ишбилармонликка таяниш ва имкониятлар тўла ишга солинса, нафақат ўз-ўзини зарур махсулот билан таъминлаш, ҳатто четга экспорт қилишга ҳам имкон борлигини кўрсатади.

Баъзи мулкдорлар, афсуски, бозор иқтисоди та-лабларини ҳануз англаб етганлари йўқ. Меҳнатобод маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 2-паррандачилик фабрикасининг их-

тиёрида 223 гектар экин майдони бўлиб, 810 нафардан зиёд киши ишлаб чиқарган парҳез махсулотлари нафақат Андижонда, балки водий ва бошқа вилоятларда ҳам шу соҳада машхур бўлганлигини кўпчилик яхши билади. Ҳозир бу ерда 215 киши қолган; бераётган махсулоти ҳатто туман халқини таъминлашга етмаяпти. 4-паррандачилик фабрикасида ахвол бундан беш баттар.

Бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар бир талай. Чунончи, туман машина-трактор паркига қарашли Ниёзботир маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги эски бино хусусийлаштирилган бўлиб, сотиб юборилган, қолгани ҳам вайрона бўлиб ётибди.

Ёки «Ниёзботир» паррандачилик фабрикасини олайлик. 190 гектар экин майдони мавжуд бўлиб, тўлиқ қувват билан ишлаган кезларда бу ерда юзлаб ҳодим фаолият кўрсатган эди. Энди эса 30 киши ишлайди, ҳолос. Товуқхоналарнинг аксарияти бузилиб, кимларгадир сувтекинга сотиб юборилган. Мавжуд экин майдонида нима экилиб, етиштириляпти, негадир бу ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Яна бир мисол. Мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган, умумий майдони 11 гектарни эгаллаб турган корхонада илгари 500 нафардан зиёд киши меҳнат қиларди. Аммо у хусусийлаштирилган, хувиллаб қолди.

Зарбдор фуқаролар йиғинида жойлашган «Андижонводстрой» трестига қарашли

ПМК-4 ҳамда ПМК-111 да ҳам камиди 200 нафар кишини ишли кишиш мумкин эди. Аммо эгасизликдан корхона бўм-бўш турибди.

Собик «Асака» ширкат хўжалигидаги адир ерлардан бир неча гектар майдон бир пайтлар туман ва шаҳар ташкилотларига ёрданчи хўжалиқлар ташкил этиш учун ажратиб берилган эди. Шундай бўлса-да, бу ерлардан ҳозирги кунда ким қандай фойдаланяпти, қандай махсулотлар етиштириляпти, бу билан бирорта мутахассис шугулланган эмас.

Энг ачинарлиси, экин майдонларини ўша даврда тасарруфига олган ташкилотларнинг аксарияти аллақачон тугатилиб кетган. Масалан, шаҳардаги машина таъмирлаш заводининг инкирозга учраб, сўнг фаолияти тўхтаганига бир қанча вақт бўлди. Лекин шу корхонага ажратилган 6 гектар ер гарчи туман тасарруфидан бўлса-да, унинг тақдирини бирорта мутахассисни қизиқтирмайди. Ҳақли савол: экин майдони ва барча далалар туман ҳокимлиги ихтиёрида турса, захирадани ким қандай наф қураётганини бироз назорат қилмаса, ер учун солиқ ва бошқа тўловлар вақтида тегишли ташкилотларга кирим қилинмаса, бундан кимга фойда-ю, кимга зиён?

Қисқаси, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда сунъий тўғаноқ бўлаётган бу каби мисолларни кўп келтириш мумкин. Муҳими, хусусийлашган ва захирадаги имкониятларга оқилона ҳамда бозор муносабатлари нуктаи назаридан ёндошилмаётганлиги боис, бир неча юзлаб ишчи ўринлари йўқолимоқда.

Асакадаги шу соҳага дахлдор мутасаддилар бунга нима дейишар экан!

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ЯНГИ ДАВОЛАШ МАСКАНИ

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳарда кенг қўламли ишлар амалга оширилляпти. Кунни кеча «Янги бог» маҳалласида икки қаватли оилавий поликлиника қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. У замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

— Даволаш масканимизда 33 нафар врач, 96 нафар ҳамшира, 22 нафар кичик тиббиёт ҳодими беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда, — дейди поликлиника мудири Маъруфжон Хошимов. — Ҳудудимиздаги 12 та маҳаллада истиқомат қилаётган 46 мингдан зиёд фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, аҳоли саломатлигини мустахамлаш мақсадида зарурий чоралар белгилан олди.

Муҳаммаджон МАХМУДОВ,
меҳнат фахрийси



Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшмаси ташкил топганига 70 йил тўлди



Ушбу санага бағишланган мақолаларни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз.




Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшмаси ташкил топганига 70 йил тўлди

Истиклол йиллари республика авиаходимлари учун муҳим воқеаларга бой бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тузилди. Тармоққа бўлган катта эътибор туфайли айни вақтда ҳаво лайнерларимиз 20 дан зиёд йўналишлар бўйлаб қатнапти. Ушбу рейслар замонавий Боинг-757/765, А-310 ҳамда РЈ-85 ҳаво лайнерларида бажарилмоқда. «Самарқанд», «Бухоро», «Урганч» аэропортлари ҳам халқроқ мақомга эга бўлди. Табиийки, соҳада амалга оширилаётган ислохотларда тармоқ касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос улуши бул. Улар кўп, гоёт серкирра. Ҳар бири алоҳида мазму. Мухбиримиз тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг раиси Шавкат Минғалиев билан суҳбатлашиб, газетхонларни қизиқтирган айрим саволларга жавоб олди.

— Шавкат ака, тармоқ касаба уюшмалари ўзининг 70 йиллик тўйини нишонламоқда. Шундан 15 йилда мустақиллик шароитида фаолият юритилди. Суҳбатимизни тармоқ касаба уюшмаларининг босиб ўтган йўлидан бошласан.

— Ҳақиқатан ҳам ҳар бир тармоқ ўзига хос ажиб бир тарихга эга. Дастлаб 1937 йил 27 апрелда Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшма ҳудудий кўмитаси ташкил топгани. Кейинчалик унинг асосида республика авиаходимлари касаба уюшма кўмитаси шаклланди. Унинг асосий вазифаси ишчи ва хизматчиларга мамлакатимиз иқтисодийтини ривожлан-



САМОЛОЧИНЛАРИ МУСТАҲҚАМ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА

тиришдаги ҳаракатларига кўмаклашиш, соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш эди. Иккинчи жаҳон урушида касаба уюшмаларининг асосий эътибори душман устидан ғалаба қозонишга қаратилди. Ғалабадан сўнг тармоқ газетасида шундай сўзлар битилганди. «Авиаходимлар касаба уюшмаларининг фаол иштирокида бир экипаж билан йил давомида миллион километр учиб ҳаракати бошланди. Бу ташаббусни дастлаб бошлаб берган А.Тайметовлар гуруҳи бўлди». Уша пайтда М. Михалченко, К. Саблинский, Е. Ермаков, Ф. Назруллаев, М. Ахмадвалиев, М. Шадрин, З. Бикбоева, М. Соликов, Б. Салимов, В. Мельников, С. Қамбаров каби фаолларнинг касаба уюшмалари ривожига кўшган ҳиссалари салмоқли бўлди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам авиация ходимлари касаба уюшмаси ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари янги техникани ўлаштириш, аэропортлар қурилиши ҳамда уларни реконструкция қилиш ишлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Янги-янги маданият ишосотлари, сикатҳоҳлар, тиббий муассасалар ҳамда бошлар оромгоҳлари қад кўтарди.

— Тармоқ касаба уюшмалари учун мустақиллик шароитида ташаббус кўрсатиб ишлашга кенг йўл очилди.

— Ҳа, албатта. Тармоқ касаба уюшмаларининг 1992 йилнинг феврал ойида бўлиб ўтган конференциясида мустақил ташкилот тузилди. Унинг асосий вазифаси меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жойлардаги бошланғич касаба уюшма етакчиларига бу борада амалий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиб қолди. Шунингдек, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, иш ҳақининг ўз вақтида берилишини назорат этиш, жисмоний тарбия ҳамда спортни меҳнаткашлар ўртасида оммалаштириш, маънавий-маърифат ишларини олиб бориш ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишига айланди.

Айни вақтда Марказий кенгаш тизимида 30 та бошланғич ташкилот ҳамда 248 та касаба уюшма гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сай-ҳаракатлари билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзгидромед», Республика муҳофаазига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Тошкент Давлат авиация институтини каби бир қатор корхона, ташкилот, муассасаларда аъзоларининг меҳнат қилиш, дам олиш ҳамда яшаш шароитлари яхшиланди. Бунинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини йил сайин ошириб бораётган миллий авиакомпания мисолида ҳам кўрса бўлади. Кези келганда, келишувлар ҳамда жомоа шартномаларининг аҳамияти ниҳоятда беқиёслигини таъкидлаш зарур. Маъзур

хужжатлар орқали ишчи-ходимлар турли имтиёزلардан баҳраманд бўлишмоқда.

— Бозор иқтисодий шароитида касаба уюшмалари фаолиятида ҳам кўпгина ўзгаришлар юз берди. Шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз.

— Тўғри, тармоқдаги бошланғич ташкилотлар бозор иқтисодий шароитида ўз иш фаолиятларини мутасили равишда такомиллаштириб бормоқдалар. Тармоқ битимлари ва жомоа шартномалари орқали кўпгина муаммоларни ҳал қилишга эришиляпти. Масалан, дори-дармон сотиб олиш учун кейинги йилларда 67 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, турли ташкилотларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда, кам таъминланган оилалар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Азалдан тармоқ ходимлари ўртасида «авиация билан ҳазиллашиб бўлмайди» деган ақида мавжуд. Шу босдан меҳнат муҳофазасига ҳам катта эътибор қаратилди. Бунинг натижасида бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касаллигига чалинишлар сезиларли даражада қаймади. Бунинг асосий сабаби барча даражадаги раҳбарларнинг меҳнат муҳофазаси талаблари бўлган масъулиятларининг олиб бораётганлигидадир. Бирок бу борада ҳали қўллаб-таъминлаш амалга оширилиши зарур. Чунки баъзи корхоналарда текширувлар ўтказилганда қонун бузилиши ҳолатлари ҳамон учраб турибди. «УАТ» авиация корхонасида бахтсиз ҳодиса ўз берганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Кейинги йиллар давомида дам олиш масканлари фаолияти тубдан яхшиланди. Жажи фарзандлар эса болалар ёзи соғломлаштириш оромгоҳларида мириқиб ҳордик чиқаришляпти. Уларнинг кўпчилиги имтиёзли йўлнамалардан фойдаланишмоқда.

Марказий кенгашида жисмоний тарбия ва спорт йўқлиши лавозимий жорий этилган, бу борадаги ишлар анча халқари. Натижада спортчиларимиз халқари ҳамда республика мусобақаларида фахрли ўринларга сазовор бўлишляпти.

Айни вақтда замонавий клуб, Ёшлар маркази, 5 та кубуҳона ҳамда маданият-маърифий масканлар авиаходимлар зиматида. Барча бошланғич ташкилотларда «Маънавият ва маърифат» хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Ҳар йили бадиий хаваскорлик кўрик-танловлари ўтказиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда тармоқ ходимларини қўллаб-қувватлаш учун Марказий кенгаш барча салоҳиятини ишга соляпти.

Бўсағанда тармоқ касаба уюшмаларининг 70 йиллик тўйи. Маъзур Байрам муносабати билан ишлаб чиқариш йиллари ҳамда меҳнат фахрийларини корхоналарга тақлиф этимоқдамиз. Узоқ йиллар авиация соҳасида ишлаган фахрийларимизнинг суҳбати ёшларда катта қизиқиш уйғотиши табиий. Бу сана келажакка теран нигоҳ ташлаб олиш учун ҳам ўзига хос баҳона сабаб. Чунки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. У доимо ҳаракатда.

Суҳбатдош: **Неъмат РАҲИҚОВ, «Ишонч» мухбири**

Аэропортга ишга келганимга салкам ўттиз йил бўлибди. Утган даврда бу ерда фидойи инсонлар, заҳматкаш мутахассислар билан дўстлашиб, улардан авиациянинг кўп томонларини ўргандим. Бу мен учун ҳаётим мазмунига айланди. Инсон ўзи севган касбиде меҳнат қилса, атрофидаги меҳрга муҳтож кишиларга оз бўлса-да наф келтирса, бундан ортиқ бахт йўқ. Мен ҳам кўп йиллардан бундан ушбу жамоада ишлаётганимдан жуда мамнунман.

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Шу соҳага бўлган иштиёқ мени 1979 йилда аэропортга етаклаб келган эди. Бундан 18 йил олдин эса кўпчилик овоз билан кўмитага раҳбарлик қилиш учун менга ишонч билдиришди. Ушандан бундан зиммамга юклатилган масъулиятни ҳалол бажаришга интилиб келмоқдам. Бунда, аввало, устозлар ўғити, кўмитамизнинг тажрибали аъзоларининг қимматли маслаҳатлари кўл келмоқда. Касаба уюшма фахрийлари В. Мельников, Л. Глушко, жонқуяр сафдошларим Л. Железнякова, Г. Худойкулова, И. Ражабов, Б. Наимов, Ж. Эргашев, Х. Ҳамдамов ва В. Кириллинни яқин кўмакчиларим деб биланман.

Касаба уюшма кўмитамиз аэропорт раҳбарияти билан яқин ҳамкорликда иш юритмоқда. Айнакча, Ижтимоий ҳимоя йилда бу ҳаракат янада равшан кўринмоқда. Жамоамизда 314 нафар турли миллат вакиллари бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишляпти. Ходимларнинг меҳнатга оид муносабатларини барқарорлаштиришда жамоат назоратини ўрнатилиш, хавфсиз иш шароити яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишловчиларни соғломлаштириш, маданият-маърифий ишлар самардорлигини оширишда маъмурият билан тузган шартномамиз катта ўрин тутмоқда. Ишчи-хизматчиларга яратилган қўлайликлардан барча мамнун. Хаммаёқ озода ва саранжом-саришта. Ишчилар махсус коржома ва шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Утган йилда меҳнатни муҳофаза қилиш тadbirlarига ажратилиши кўрсатилган суммадан ҳам кўпроқ — 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ишловчиларга хавфсиз ва қўлай иш шароити яратиши таъминлаш, меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилиш мақсадида мунтазам равишда кўрик-танлов ўтказаялмиз. Касаба уюшма кўмитаси меҳнат муҳофазаси комиссиясининг перрон-техника бригадаси вакили, авиатехник М. Жуланов яқинда ўтказилган кўрик-танловда голиб деб топилиб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Аэропортимиз бугун фойда кўриб ишламоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ишловчиларнинг моддий даромади ошмоқда. Ҳар бир

Зиёвуддин **НАҲМИДДИНОВ, «Термиз» аэропорти касаба уюшма кўмитаси раиси**

лаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Хозирги кунгача у Марказий кенгашининг меҳнат бош техник мутахассиси сифатида толай ишлаб келмоқда.

— Салкам қирқ йиллик умримни тармоқ касаба уюшмаси ривож учун бағишладим, — дейди Леонид Глушко. — Бундан сира ҳам афсусланмайман. Инсонларга яхшилик қилсам, биронинг қорига ярасам, ўзимни ниҳоятда бахтли ҳис этаман. Авиациячиллик касб эгаларининг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиб келганимдан чексиз бахтирман. Чунки уларнинг меҳнати туфайли одамлар узоқ манзилларга тезликда етиб олишляпти. Ана шу соҳага хавас қўйиб ўзим ҳам кам бўлмадим. Фарзандим изимдан боришини истардим. Ниятим ҳолис экан, ўғлим Андрей ота касбини улуғлаб, йўлимини давом эттиряпти.

Эзгу мақсад билан қўйилган қадам ҳеч қачон изсиз кетмайди. Бундай инсон чин маънода саодатлидир. Кекса касаба уюшма фидойисининг ҳаёт йўли барча учун ибратли. Уни яхшилик нурулари ёритиб турибди. Утган йили Леонид Иванович етмиш ёшнри қаршилади. Умрининг яна беш доводини дўсту ақинлари даррасида нишонлади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши шу муносабат билан тизимда кўп йиллар ҳалол хизмат қилган бу инсонни «Эхтиром нишонини» билан тақдирлади.

Тўлқин **ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири**

Касаба уюшма ҳаёти МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Жамиятни тубдан янгилаш ва модернизация қилиш, халқроқ майдонда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, ёш авлод қалби ва онгиде она юртга меҳру-муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини шакллантириш вазифалари миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил қилишни тақозо этади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадар вилояти вакиллиги томонидан касабакўм раисларидан ва фаоллари иштирокида Қаршида ўтказилган ўқув-семинари маънавий-маърифат ишлари самардорлигини кучайтириш масалаларига бағишланди.

Икки юздан ортиқ фаоллар қатнашган ва савол-жавоблар билан ўтган мулоқотда Қарши Давлат университетини профессори, фалсафа фанлари доктори С. Чориевнинг «Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш хусусида»ги маърузаси тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув-семинарда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, маънавий-маърифий ишларни олиб бориш соҳасида «Муборакнефтегаз» унитар шўба корхонаси, Шўртан газ кимё мажмуаси, «Ўзгеобурғунефтегаз» акциядорлик компанияси касаба уюшма ташкилотларида орттирилган тажриба умумлаштирилиб, оммалаштирилди.

Ўз мухбиримиз

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашида фаоллар малакасини ошириш ҳамда уларнинг ўзаро тажриба алмашишлари катта эътибор бериб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Ормалик шаҳридаги «Аммофос» очик акциядорлик жамиятида бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги йирик корхоналар касаба уюшма кўмиталари раислари қатнашдилар. Семинар иштирокчилари бошланғич касаба уюшма кўмитасининг фаолияти ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш технологияси билан танишдилар. Сўнгра корхона раҳбари Баҳодир Содиқов билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Қатнашчилар корхона истиқболли ҳақида чуқур маълумотга эга бўлдилар. Иш бериувчи ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида ривожланиб бораётган ижтимоий шерикчилик натижасида ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган аниқ тадбирлар ҳақида тушунча олишди.

Ўз мухбиримиз

МАСАЛА МОҲИЯТИ ОЧИБ БЕРИЛДИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилоят вакиллигига қарашли барча йирик бошланғич касаба уюшма кўмиталари, туманлар вакиллари ҳамда фаоллари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

Кун тартибидеги «Касаба уюшма аъзолик афзалликлари асослаш ва нодавлат сектори ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бора-сида тармоқ тизимидаги касаба уюшмалар органларининг олдида турган вазифалар тўғрисида»ги масала юзасидан тармоқ Марказий кенгаши раиси Д. Алимходжаева, «Касаба уюшма бюджетни бўйича ҳисоб-китоб юритиш ва молиявий масалалар ҳақида» Марказий кенгаш бош хисобчиси Г. Хегарларнинг маърузалари тингланди.

Ўқув-семинар давомида касаба уюшма бюджетини тузиш борасида амалий машғулот ўтказилди. Савол-жавоблар асосида масала моҳияти кенг очилди.

И. ХОЖИЕВ, «Ишонч» мухбири

ФИДОЙИЛАР ЭЪТИБОРДА

Шу кунларда бободоҳқон баҳорги экинларни сифатли экиб, улкан ҳосил ҳирмонларига замин яратишига шахд билан киришган.

Қизилтепа туман ҳокимлиги ҳамда АСМ ходимлари касаба уюшма туман кенгаши ажойиб бир тадбирни илгари сурди. Унга кўра деҳқончилик ишларидеги фаоллиги, шунингдек, касаба уюшма аъзоларини иш билан таъминлашга қўшган ҳиссаси учун 14 нафар ҳудудий бирлашган фермерлар касаба уюшма кенгаши раислари пул мукофоти билан тақдирландилар.

М. АЛОВУДДИНОВ, «Ишонч» мухбири

МАЪНАВИЯТ ҚУЁШАРИ

Маънавият чуқур ва кенг маънога эга тушунча бўлиб, фақат инсонгагина хос бўлган онг, тил, ақл-идрок, тафаккур, мурувват, саховат, раҳм-шафқат, иймон-эътиқод, ватанпарварлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, анъаналарни ҳурмат қилиш сингари фазилатлардан таркиб топади.

Тошкент Давлат авиация институтини «Авиатар» моқ менежменти» кафедраси катта ўқитувчиси Зухра Сафарованинг бу борадаги фаолияти алоҳида таҳсинга сазовор. Бу фидойи аёл билан суҳбатимиз институт жамоаси ўртасида маънавий, маърифий, маданият тарбиясини самардорлигини ошириш, талаба-ёшларнинг миллий меросимизга бўлган муносабатларини янада кучайтириш масалаларида олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Маънавий-маърифий ишлар кафедранинг иш режасида тасдиқланган бўлиб, маънавиятга доир Президент қарори, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва институт раҳбарияти кўрсатмалари ижроси мунтазам равишда муҳокама қилиб борилади, — дейди З. Сафарова. — Талабалар маънавият-маърифат бўйича кўрик-танловларда фаол иштирок этишляпти. Жумладан, ўтган йили Ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган «Энг яхши деворий газета» танлови ўтказилди. Ҳа йилдан бери талабалар қалбига миллий қадрият ва анъаналаримиз моҳиятини чуқур сингирдиш мақсадида гўзал ва навқирон Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёхат уюштирилмоқда. Ўзининг намунали хулқи ва ўқиши билан барчага ўрнак бўлиб келган бир қатор талабаларнинг сафар ҳаракатлари институт томонидан қолланади. Зиёратдан сўнг тарихий обидаларга оид кўргазмалари стэнд ҳам ташкил этилди.

Шунингдек, талабалар мунтазам равишда пойтахтимиздаги «ЭкспоМарказ» ва «Илҳом» театрларида бориб, улар фаолияти билан танишиб туришляпти. Бу каби ишларда гуруҳ мураббийлари Л. Убайдуллаева, Н. Муҳаммедова, Ф. Лебедева, Б. Омонов, З. Гулямов, А. Исахановлар бош-қош бўлишмоқда.

Асосий мақсад — ёшлар онги ва маънавиятини ўстиришдан иборат. Чунки ёшлар маънан қанчалик кучли бўлса, давлат ҳам шунчалик қудратли бўлади.

Рисолат **РАҲМОНОВА**




Леонид Ивановичда авиация соҳасига қизиқиш бўлишда уйғонган. Самода эркин қушдек парвоз қилаётган самолётларга олиш, «темир қушларнинг ҳавода бемалол ҳаракатлана олишига қандай куч имкон яратган экан, деган савол мудом хаёлини банд этарди. Ана шу сирни билишга бўлган истак Л. Глушконинг келажикни ушбу соҳа билан боғлаб юборди.

Қаҳрамонимиз Қозғистоннинг Қостанай вилоятида туғилиб ўсди. Отаси кишлоқ хўжалиги ходими эди. Шу сабаб ўғлини ўз касбини давом эттиришини истарди. Аммо ёш Леонид қалбига чўғ солган орзу бошқа эди. У мактабни битириб, Россиядаги Троицк авиатехника билим юртига йўл олди. Ниҳоят имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўз севган соҳаси сирларини эгаллашга киришди. 1965 йилда фуқаро авиацияси мутахассислиги бўйича ишлаш учун Ўзбекистонга йўланма берилди. Кун-қувватга тўла ёш мутахассис йўлди Тошкент аэропортининг авиация техникаси базасида авиатехник вазифасига қабул қилинди. Меҳнаткашлиги билан жомоада тезда ўзини кўрсатди. Билмаганларини шу ерда узоқ йиллардан бундан ишлаётган кишилардан ўрганишга тинимсиз ҳаракат қилди. Ундаги интилувчанлик фазилати қисқа вақтда ўз самарасини берди. Ҳа йилда цех бошлиғи лавозимига ҳам бўлган пиллапоини босиб ўтди.

Леонид Глушконинг касаба уюшма тизимидаги фаолияти 1968 йилдан бошланди. Ҳа йилини пухта билиши ва ташкилотчилиги билан кўзга ташланган ёш раҳбарни республика авиаходимлар касаба уюшмасига ишга тақлиф қилишди. У бу ерда меҳнат муҳофазаси бўйича бош техник нозир сифатида жамоаларда ишловчилар учун қўлай иш шароити яратишнинг жиҳдий назорат қилишга киришди. Узоқ йиллар шу лавозимда самарали фаолият кўрсатди. Леонид Ивановичнинг сай-ҳаракати билан жойларда бошланғич ташкилотларнинг фаоллиги оширилиб, маъмуриятлар томонидан ишчи-ходимларнинг хавфсиз ва беҳавотир қилиниши учун курашди.

Самимий ва очик кўнгиллиги учун қайси жамоага бормасин, Леонид Ивановични ишчилар яқин қадрдондек қутиб олишладиган бўлди. 1992-1999 йилларда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси (ҳозирги Марказий кенгаш) раиси ўринбосари вазифасида ишлаган даврида ҳам касаба уюшма билан меҳнаткашларни яқин-

ОРЗУНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ



бўйича бош техник нозир сифатида жамоаларда ишловчилар учун қўлай иш шароити яратишнинг жиҳдий назорат қилишга киришди. Узоқ йиллар шу лавозимда самарали фаолият кўрсатди. Леонид Ивановичнинг сай-ҳаракати билан жойларда бошланғич ташкилотларнинг фаоллиги оширилиб, маъмуриятлар томонидан ишчи-ходимларнинг хавфсиз ва беҳавотир қилиниши учун курашди.

Самимий ва очик кўнгиллиги учун қайси жамоага бормасин, Леонид Ивановични ишчилар яқин қадрдондек қутиб олишладиган бўлди. 1992-1999 йилларда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси (ҳозирги Марказий кенгаш) раиси ўринбосари вазифасида ишлаган даврида ҳам касаба уюшма билан меҳнаткашларни яқин-

Сирдарё вилоятида ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан 2008 йил Нукус шаҳрида бўлиб ўтadиган «Баркамол авлод — 2008» Республика спорт мусобақаларига пухта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Спортнинг 18 тури бўйича вилоят терма жамоалари шакллантирилиб, ҳар бир йўналишга масъул мураббий, ҳимий ва таълим муассасалари раҳбарларидан бириктирилди. Уларни қўриқдан ўтказиш мақсадида Гулистон қурилиш касб-хунар коллежиде терма жамоа танлаб олинган

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ

Иқтидорларни кашф этди



Гулистон шаҳридаги касб-хунар коллежларида спортнинг 15 тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг I босқичида 240 минг нафардан ортиқ, II босқичида 15890 нафар, III босқичида эса 4748 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг вилоят босқичида Гулистон тиббиёт, Ховос транспорт, Сирдарё педагогик, Гулистон 2-педагогика касб-хунар коллежлари ҳамда Янгиер ва

«Баркамол авлод—2008»



Гулистон академик лицейи ўқувчи-ёшлари муносиб уринларга эга бўлдилар. 21 апрел куни эса Гулистондаги «Алломиш» спорт мажмуасида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда голибликни қўлга киритган 212 нафар ўқувчи-ёшлар муносиб тақдирландилар.

Муҳаммад КАРИМ

Суратда: тадбирдан лавҳалар.

ҲЕЧ КИМ КАСАЛ БЎЛМАСИН

86 яшар тиббиёт

Ходимининг тилаги шундай

Беруний туман марказий шифохонаси воҳадаги нуфузли шифо масканларидан. Бу ерга қўшни Хоразмдан ҳам наҳот излаб таширғи бурувчиларнинг кети узилмаслиги беҳиз эмас. Чунки даволаниш учун қулай шароитнинг мавжудлиги, замонавий таъхис қурилмаларидан самарали фойдаланиш ҳамда малакали тиббий хизмат қўл келмоқда.

— Таърибли шифокорларимиз қўл,— дейди Беруний туман марказий шифохона бошланғич касабашуошма ташкилот раиси Олим Ибодуллов. — 1923 аъомиз бор. Асосий эътиборни меҳнат муҳофазасига қаратганмиз.

Ҳақиқатан, касабашуошма ташкилоти томонидан иш шароитларини яхшилаш, аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бошланғич ташкилот Ижтимоий ҳимоя йилидаги фаолиятини ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига Янги йил байрам тадбири уюштиришдан бошлади. Кам таъминланган оилаларнинг 7-14 ёшли фарзандлари ўртасида ўтказилган «Ким чаккон, ким ўзар» мусобақаси ҳам қизиқarli тус олди.

Қушалоқ байрам — 8-Март ва Наврўз муносабати билан барча ишчи-хизматчилар, меҳнат фахрийлари дастурхон атрофида йиғилдилар. Ҳар доимидек ушбу тантаналарда ҳам жамоанинг энг касабашуошма аъзоси Жумағали Туримбетов фотиҳа ўқиди.

— Жумағали ога жамоамизнинг энг сержайрат йигити, — дейди касабашуошма раиси ярим чин, ярим ҳазил қабиллида.

Унга ажабланиб қарадим. Чунки Жумағали ога дегани 86 ёшли чол бўлса...

— У кишини асло чол дея қўрманг,— таъкидлади касабашуошма раиси.— Тери-таносил шифохонасида ундан чаккон, элчил ва билимдон тиббиёт ходимини топши қийин. Ишга бир соат олдин келиб, бир соат кейин кетади. ССҒСа ҳам ўзи боради, анализларни ўзи топшириб, натижаларини ўзи қабул қилади.

Шундай инсон билан сўхатлашми истаги туғилди.

— Тўртқўл тиббиёт техникумида тахсил олдим,— хотирлайди отахон.— Ҳиссини тамомлаб, Қораўлак туманида тери-таносил касалликлари бўйича мутахассис сифатида 5 ой

ишладим. Кейин ҳарбий хизматга чақирилдим. Бу орада уруш бошланди. Мен ҳам жанг майдонига сафарбар этилдим. Госпиталда шифокор бўлиб ишладим. Э-хе, ўшанда қўрган касалларимизни... Урушдан кейин Жумағали икки йил Москвада ишлади.

— 1947 йилда трохом, молерия касалликлари, 1949 йили ўлатга, 1965 йили вабога қарши курашда иштирок этганман,— дейди отахон. Жумағали Туримбетов пири бадавлат оқсоқол. У кишининг 5 ўғил, 5 қизи, 50дан зиёд набиралари бор.

Отахондан узоқ яшаш сирини сурайман.

— Кишилар билан жанжаллашмайман, ғийбат қилмайман, хушчақнакман, қолаверса, қўл пияда юраман, — дейди Жумағали ота.— Бекорчиликни ёмон қўраман. Дарвоқе, отахон ишдан бўш вақтларида бадий китоб мутлоа қилишини ҳам айтиди.

— Жамоамизда ана шундай нуруний инсонлар борлиги бахтимиз,— дейди касабашуошма раиси.— Уларга ҳар доим елкадошимиз, бамаслаҳат иш олиб борамиз.

Касабашуошма ташкилоти Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан қўлаб тадбирларни режалаштирган. Ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга эътиборни қучайтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, турли спорт мусобақалари ўтказиш шулар жумласидан.

О. Ибодуллов бу ишда 8 йилдан буюн хизмат қилади. 1983 йили Самарқанд тиббиёт институтини тамомлаб, участка шифокори, бош шифокор ўринбосари, жароҳлик поликлиникаси бош шифокори лавозимларида хизмат қилганлиги ҳам унинг ташкилотлигидан дарак.

Улли БОБОЕВ, «Ишонч» мухбири

«Инсонга наф келтириш — олий бахт»

танловига

(Боши 1-бетда)

Ҳар бир қўмита аъзоси аниқ вазифа билан шуғулланади. Муҳандис Искандар Самандаров меҳнат хавфсизлиги бўйича масъул; ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш дастури асосида иш олиб боради. Меҳнат Кодексининг 214-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда ходимлар тиббий қўриқдан ўтказилди. Ишлаб чиқариш қурилмалари ҳар ойда бир марта техник қўриқдан ўтказилиб, бажарилган ишлар тахлил қилинади.

Утган йили меҳнат муҳофазаси тадбирлари 53 миллион 858 минг сум сарфланди. 1 миллион сумга ишчилар дам оладиган хоналар таъмирдан чиқарилди, ярим миллион сўмлик тиббий анжомлар, 400 минг сўмлик парҳез овқатлар олинди.

Қўмита аъзоси Раъно Хушмуродова маънавий-маърифий ишлари ҳамда аёллар, ёшлар меҳнат муҳофазасига масъул қилиб бириктирилган. Аналик ва болаликни муҳофазалаш учун имтиёзлар яратилган. 12 ёшга балоғати бўлган аёлларга меҳнат

лиши ва улар учун соғлом, хавфсиз иш шароитларини яратиш тўғрисидаги масалалар қўриб чиқилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Шаҳрисабз, Чироқчи, Ҳузор, Миришкор, Нишон туман корхоналаридаги бошланғич ташкилотларга услубий ёрдам қўрсатилди. Хоналар ўқув қўланмалари ва керакли адабиётлар билан жиҳозланди.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак, дейди юртбошимиз. «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига мувофиқ вилоят маркази ва чекка туманларда яшовчи 35 нафар ёлғиз қариялар ҳоимийликка олинган. Касабашуошма фаоллари боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиб туришибди. Қарши шаҳридан биринчи гуруҳ ногиронлари Муҳайё Уринова, Л.И.Коваленко, боқувчисини йўқотган Гулнора Остонава, китоблик Расул Примов, гузориқ Озода Жўраева, Ҳасан Алимов, Миришкор туманидан кам таъминланган Тolib Худойназаров, нафақадор Ойша Хўжақуллова, Шаҳрисабзнинг Хазора қишлоғидан Саодат

Киз пул узатди. У олмади.

Улар ёнма-ён ўтиришди. Исми Зуҳра экан...

Сўнг «Ғалаба» боғида учрашди. Яна учрашди.

Мана, ўттиз йилдан бери электр чилангарлик касбини эъзозлаб келаётган турмуш ўртоғи Зуҳра Бердиева билан уч ўғил-қизни тарбиялаб, камолга етказди. Катта фарзанди Суннат Ўзбекистон Миллий университетини битирган. Тўқимачилик олийгоҳида тарих фанидан дарс беради. Номзодлик илмий даражасини ёқлаш арафасида. Қизи Меҳри ҳамшира. Кенжағойи Сардор Қарши муҳандислик институтини институт энергетика факультетиде ўқияпти, ота касбини эгалламоқчи.

Бахти бекам бобо ва момо кўша-кўша неваралар даврасида хушнуд ҳаёт кечираяпти.

Эл, маҳалла деб...

Рўзикул ака содда ва тўпри, қишлоқдан чиқиб

Фонд фаолиятдан

ҲИММАТ

Бундан тўрт йил муқаддам пойтахтимизда Уруш қатнашчилари ногиронлари Фонди ташкил этилган эди. Утган даврда унинг фаолиятини кенгайтириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2005 йилда «Альфа-тренинг» курслари очилди. Айни пайтда курс қатнашчилари билан умумтаълим дарсларидан ташқари инглиз тили, информатика, радиотехника, фотография, қўл жанги, дзюдо, кураш каби кўпгина турлар бўйича махсус дастурлар асосида машғулотлар олиб борилмоқда.

Икки йилдирки, шаҳардаги 21-Меҳрибонлик уйи, 58-, 172-, 210-, 180-умумтаълим мактаблари негизиде харбий-ватанпарварлик тайёргарлиги клублари 200 нафар курсант иштирок этмоқда. Улардан 31 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож етимлар бўлиб, улар яратилган имкониятлардан фойдаланиб келмоқда. Юнусов туманидаги 58-мактаб қошида фаолият олиб бораётган ВСЖда таълим олаётган 75 нафар курсантнинг 45 нафари ётоқхона билан таъминланган.

Фонд томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлардан яна бири ёшларни Қуролли қучлар сафига тайёрлаш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашдир. Ана шу мақсадда жорий йил бошидан буюн мактабларро харбий спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Шу кунга қадар бундай тадбирларда 300 нафар курсант иштирок этди. Ушбу тадбирларнинг юксак даражасида ўтишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси касабашуошмалари Федерацияси, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Адолат» социал-демократик партияси, «Сен ёлғиз эмассан» халқро болалар фонди, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, «Жар» спорт мажмуаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Уруш фахрийлари бирлашмаси каби қатор ташкилотлар бов-қош бўлишмоқда.

Уруш қатнашчилари ногиронлари Фонди томонидан нафақат шу тоифадаги инсонларга, балки уларнинг оила аъзоларига ва мактаб ёшидаги фарзандларига ҳам алоҳида ғамхўрлик қўрсатилмоқда.

Роза САЙДАҲМЕДОВА, «Ишонч» мухбири

ЭЛ АРО ҚОЛГАЙ ЯХШИЛИК

таълимига корхона ҳисобидан уч кун қўшиб берилади, вояга етмаган фарзанди борларига маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир кунга қисқартирилган, фарзандлари бир ёшга етгунга қадар қўшимча таътил жорий этилган. Ишчи-ходимлар Тошкент, Бухоро, Хоразм каби тарихий шаҳарларга саяхатга бориб келишди.

— Жисмоний тарбия ва спорт масалалари билан шуғулланаман, — дейди қўмита аъзоси Олия Мууллонова.

— Спортчиларимиз миллий кураш мусобақаларида ҳамisha голибликни эгаллаб келишяпти.

Боли Боймуродов, Али Шомиров, Раим Раҳимов, Рашид Муқомов каби полвонлар нафақат вилоят, балки мамлакат миқёсида ўтказилган беллашуларда бош совинини қўлга киритишди. Чироқчилик Сарвиноз Эргашев шахмат бўйича республика чемпиони.

— Касабашуошма етакчиси зиммасидаги устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширар экан, бир томондан, ходимларни меҳнатга оид ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиши, иккинчидан, бозор талаблари ва рақобатта мослашган ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иш берувчига ижтимоий шерик бўлиши керак, — дейди қўмита раиси. — Ана шунда касабашуошмасининг жамоада ўз ўрни бўлади, одамлар орасида нуфузи ва эътибори ортади.

Қўмита йиғилишларида «Ўзбекистон касабашуошмалари Федерацияси IV ва республика тармоқ касабашуошмасининг III курултойи ҳарорлари асосида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишларининг аҳоли», «Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашда маъмурият билан амалга оширилган тадбирлар тўғрисида», «Ариза ва шикоятларни қўриқдан қўриб чиқишнинг аҳоли», «Корхонада меҳнат қилаётган хотин-қизларга белгиланган имтиёзлар бери-

Тўхтамишева, яккабоғлик Гулнеҳра Исмолова сингари отахон ойнахонлар саховатпешаларининг савоб амаллари ҳақида доимо алкаб гапиришади. «Яхшиликнинг муқофоти — яхшилик» деб шуни айтсалар керак.

Рўзикул Бердиев суратида чизилар

Асли Қашқадарёнинг Рўзайнов қишлоғидан бўлган Рўзикул 54 баҳорни қаришди. Отаси чўпон бўлган. Раҳматли маърифатли одам эди. Ониси араб алифбосидаги китобларни чиройли қироат қиларди. Ёшлиқдан меҳнатга меҳр қўйди. Тақдир тақозоси билан Навоий тоғметаллургия комбинатида ишга кирди.

Денгиз флотиде харбий хизматни ўтаб қайтган, Чироқчи шаҳридаги «Электромехпром» ва трансформатор заводларида севган касбини давом эттирди. 1980 йилда хозирги Техника олийгоҳини битириб, электр механик ихтисослигини эгаллади. Хозир ҳам техникага доир китобларни қўлдан қўймайди. Қашқадарё вилоят электр тармоқлари корхонасида ишлаб бошлаганига ҳам 27 йилдан ошди.

Бахт сени излайди

Тошкент. Талабалик йиллари. Алишер Навоий номидаги кинотеатрда «Сангам» хинд фильми узлуксиз намоий этилаётган кунлар эди. Бир дўстига ҳам чипта олган эди. Нима сабабдан-дир у келмади. Маданият масканида одамлар тирбанд. Айниқас, ёшлар. Чипталар тугаган. Ёшгина бир қиз ияманиб ёнига келди.

— Ортиқча чиптангиз йўқми? — Чипта? — бир зум қизнинг қўларига боқди. — Бор, бор.

кетганига қарамай ўзининг шевасини йўқотган. Нутқини «бориб эдим, келиб эдим» беъзади. Бир кўрган киши уни қўлоб, бадровоқ деб ўйлайди. Аслида диндан сўхбатлашиб, қалбига қулук тутсангиз, унинг кўнгли очик инсон эканлиги амин бўласиз. У доимо одамларни ўйлайди, элим, юртим деб ёниб яшайди.

Боғишамол маҳалла фукарлар йиғинининг аъзоси. Туй-маъракаларда бош-қош, маҳалладошларига елкадош. Оксикол қилиб сайлашларига сал қолди. Хали ёшман, деб эўрга қўтилди.

Уфатлар даврасини хуш қўради. Ош пиширишни «қийиб ташлайди».

Болаларнинг жонқуяри

Биз борган кун Шаҳрисабзнинг сўлим гушаси, тоғ бағрида жойлашган «Нурафшон» оромгоҳига жўнаётган экан. — Ёғги соғломлаштиришни уюшқоқлик билан ўтказамиз, — дейди касабашуошма раиси. — Бултур 281 нафар ўғил-қиз дам олган бўлса, бу йил уларнинг сониде 300 дан ошайди. Ўйланамас қорхона ва касабашуошмаси ҳисобидан текин берилади. Бундан ташқари, юздан зиёд ота-оналар ҳам хордик чиқариб, соғлигини тиклашади.

— Инсонга наф келтириш йилдан тиниб-тиничмаётган Рўзикул Бердиевдек фидойи фаолларимиз билан фахрланамиз, — дейди Ўзбекистон ёқили-энергетика, кимё санати ва геология ходимлари касабашуошмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили Жумакул Курбонов. — Ўз ишини пухта билган жонқуяр раҳбарлар ишлаган жамоада касабашуошмаларнинг нуфузи ошиб, иш берувчи билан ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Донду МАДИЕВ, Назват ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Жиззах вилоятида мактаб ўқувчиларини ёғги соғломлаштириш мавсумига ҳозирлик қўришга ҳар йилгидан ҳам эртароқ киришилди. Жорий йилда Уйбоғи, Зомин, Фориш, Фаллавор, Бахмал каби сўлим, баҳаво гушаларнинг тоғ ён бағирларидаги 17 та оромгоҳда 2880 нафар, шунингдек 28 та мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 3780 нафар ўқувчини дам олдириш режалаштирилган.

Вилоят касабашуошма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши шаҳар ва туман ҳоқимлари билан ҳамкорликда «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига асосан, ногирон, боқувчисини йўқотган, соғломлаштиришга муҳтож бўлган 200 нафар болага имтиёзли йўланма ажратадиган бўлди.

Болаларнинг ёғги дам олишини ташкил этиш ва ўтказиш вилоят комиссияси йиғилишида шаҳардан ташқаридаги барча оромгоҳларда мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилганини таъкидланди.

«Жиззахгазтаъминот» шўъба корхонасига қарашли «Зангори олов», «Жиззахтелеком» корхонаси тасарруфидеги «Алоқачи», вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли Е. Норбеков номи оромгоҳларида асосий ишлар алақандан поёнига етказилган. Каттиқ, юмшоқ меъёллар, ошона жиҳозлари ва бошқа зарур ашёлар билан тўлиқ таъминланган.

Лекин Дўстлик туман пахта тозалаш корхонасига қарашли «Дўстлик», Магистрал газ тармоқлари

Мавсум яқин, шаймисиз?

бошқармаси тасарруфидеги «Камолот», Арнасой туманидаги Пахтакор пахта тозалаш корхонасига қарашли «Табассум» оромгоҳларида тайёргарлик ишлари суст.

ишламайди, хоналар таъмирталаб. Мавсумда оромгоҳларнинг ўз босқичида ишлари кўзда тутилаётган экан, бунга ҳар томонлама жиддий ҳозирлик қўриш талаб этилади.

Ҳар бир оромгоҳ белгиланган миқдор ва турдаги доридармон, санитария, ювиш-тозалаш воситалари билан тўла таъминланиб, мавжуд кутубхоналарда ҳар бир бола учун 4 тадан бадий китоб, зарур спорт жиҳозлари келтирилган бўлди.

Шу ўринда бир янглик: Уобсойдаги Ш. Рашидов номи болалар оромгоҳи вилоят касабашуошма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфига олинб, ҳозир мавсумолди тайёргарлик ишлари кенг қўламада бошлаб юборилди.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Ялпиз Кўклам неъматлари

Ялпиз кўкатлар ичида энг жавҳар, энг латифи ва саломатлик учун энг фойдалиси ҳисобланади. Ялпизнинг ўзига хос хусусиятини шундан ҳам билса бўладики, унинг шохларини сўтга ташланса, узоқ вақт айнамайди.

Ялпиз қонталаш, қон кетишини ва қон қушини тўхтади. Меъдани мустаҳкамлайди, уни қиздириди, хикичоқни тўхтади, овқат сингилшига ёрдам беради, сариқ касаллигига фойда қилади.

Ялпиз шохларини анор донаси билан қўшиб истеъмол қилинса, қуши билан давом этадиган ич кетишни тўхтади. Ялпизни арпа уни билан қўшиб пешонага боғ-

лашса, шифобахш таъсир қўрсатади. Ялпиз билан дағалланган тил ишқаланса, дағаллиги йўқолади.

Ялпиз ширасини асал билан аралаштириб қулоққа томизилса, оғрик қолади.

Ялпиз анжир билан бирга истеъмол қилинса, кўкракдаги ёпишқоқ қуюқ хилларни чиқариб юборади. Кўкрак қафасидаги оғрикларга наф беради, айниқас, бунда тоғ ялпизининг шифобахшлиги кучли.

Шунингдек, тоғ ялпизи яраларнинг битишига яхши фойда қилади. Бундан ташқари ялпиз бурун тешигидан чиқиндиларни туширади.

Узбекистон Агроеконом мажмуи ходимлари касабашуошмаси Марказий кенгаши жамоаси Избосиан туман тармоқ касабашуошма кенгашининг раиси Жамолдин Шамшидиновга падари бузуқвор

Шамшидин отанинг вафот этганлиги муносабати билан чўкур ҳамдардик билдиради.

Сурхондарё вилояти таълим ва анжир ходимлари касабашуошма Кенгашининг Музаббот тумани бўйича худудий вакиллиги ҳамда халқ таълими бўлими ХТБнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича бош мутахассиси Раҳматулло Мамаатовга отаси

АБДУЛЛО БОБОНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўкур таъзия изҳор қилади.